# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 19-iyul, shanba № 88 (3437)


# Эзгулик масканига ташриф

***Халқимизнинг имон-эътиқод, меҳр-оқибат, хайру саховат, одамийлик, ҳамжиҳатлик сингари эзгу хислатлари маънавий ҳаётимизни юксалтиришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйилганлигини қайд этиш лозим.***

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида азалий урф-одат ва қадриятларимизни қайта тиклаш, муқаддас динимизни, азиз-авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, уларнинг қадамжоларини ободонлаштириш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Исо Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий мажмуалари, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом қадамжолари каби муқаддас масканларда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Бугунги кунда бундай обидалар юртимизнинг энг файзли ва табаррук гўшаларига айланди. Шулар қаторида Тошкент Ислом университети ташкил қилиниб, ушбу илм масканида талабаларнинг диний маърифат асосларини чуқур эгаллаши учун зарур шароитлар яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Бундай хайрли ва савобли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг кўҳна Минор мавзесида янги муҳташам масжид биноси барпо қилинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 18 июл куни ана шу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан яқиндан танишди.

Шу ўринда айтиш керакки, Юртбошимизнинг ғоя ва таклифлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг азалий анъана ва услубларидан фойдаланган ҳолда ҳар жиҳатдан бетакрор, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда моҳир қурувчи ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида фикр билдирди, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берди.

Ислом Каримов мазкур қадамжо атрофида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам синчиклаб кўздан кечирди. Ҳар бир дарахт, ҳар қайси майдон, фаввора ва йўлак шаҳарсозликнинг энг юксак талабларига уйғун бўлиши зарурлигини уқтирди.

Ҳозирги вақтда ушбу ҳудуддан оқиб ўтадиган Анҳор ва унинг атрофидаги жойлар ободонлаштирилиб, пойтахт қиёфасига алоҳида кўрк ва чирой бағишламоқда.

Бу ишларнинг барчаси шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг гўзалликдан баҳра олиб, мазмунли дам олишлари, бир сўз билан айтганда, эл-юртимизнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз бундай муқаддас жойларда аввало пок ният, соф интилиш билан иш олиб бориш, ҳар бир ғиштни қўйишда етти ўлчаб бир кесиш кераклигини, токи биз бунёд этган муҳташам иморатлар асрлар давомида авлодларимизга ҳайрат ва ғурур-ифтихор бағишлаб туриши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

**ЎзА**

## Ахборот

***Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлиси бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2014 йил биринчи ярим йиллик якунлари тўғрисида»ги масалага қаратилди. Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева давр талабларига монанд-мос равишда ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, шу мақсадда жамоа шартномаларининг ижтимоий таркибий қисмини кенгайтириш йўналишларида касаба уюшмалари олиб бораётган фаолиятга батафсил тўхталиб ўтди. Хусусан, жорий йил учун белгилаб олинган устувор йўналишларга оид ишлар таҳлил этилди.***

# Сарҳисоб ва галдаги вазифалар

Хусусан, меҳнат муносабатлари соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда касаба уюшмаларининг иштироки, тизимни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Ижтимоий шериклик, бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя, ёшлар сиёсатини амалга оширишдаги иштирок ҳамда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида амалга оширилган ишлар, ушбу йўналишда касаба уюшмалари олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда касаба уюшмаларининг халқаро фаолияти ҳам таҳлил этилди. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик муносабатларининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани, тизимда ташкил этилаётган халқаро анжуманлар кўламининг йил сайин кенгайиб, Ўзбекистоннинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги тажрибасига қизиқиш ортаётгани таъкидланди.

Таъкидлаб ўтилдики, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир. Шу билан бирга, қатор тармоқларда нодавлат сектори корхона ва ташкилотларини касаба уюшмаларига жалб этиш, уларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш юзасидан аниқ таклифлар билдирилиб, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шу куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Раёсат йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда бир қатор вилоят ва тармоқ касаба уюшмалари фаолиятини ўрганиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида белгиланган вазифалар ижроси, жорий йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг бориши каби масалалар йиғилганлар диққат марказида бўлди.

Раёсатда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлиси ҳамда Раёсат йиғилиши тўғрисидаги таҳлилий материал билан газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил танишишингиз мумкин.***

**Ўз мухбиримиз**

## СИРДАРЁ

***Президентимиз раҳнамолигида аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.***

### ЗАРИНАНИНГ ОРЗУСИ УШАЛДИ

Жойларда, жумладан, Сирдарё вилоятида ўтказиб келинаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари бу борада муҳим аҳамият касб этаётир. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида йигирмадан зиёд меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, уларда олти юз саксонга яқин корхона ва ташкилот иштирок этган.

Янгиер шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасида элликка яқин корхона ва ташкилот қатнашди. Мазкур тадбирда ишга кириш учун йўлланма олганларнинг қирқ икки нафарини касб-ҳунар коллежини битирган йигит-қиз ташкил этди. Гулистон тиббиёт коллежи битирувчиси Зарина Исроилова улардан бири.

— Болалигимдан ҳамшира бўлишни, оқ халат кийиб беморларнинг соғайишига кўмаклашишни орзу қилардим, — дейди Зарина. — Бугунги ярмаркада Янгиер тиббиёт бирлашмасига ҳамшира бўлиб ишга кириш учун йўлланма олганимдан, орзуим ушалганидан хурсандман.

## НАМАНГАН

***Чортоқ туманидаги «Намсибагробизнес» қўшма корхонасида мева-сабзавотларни саноат усулида қуритиш йўлга қўйилди. Натижада, 10 дан зиёд ёш иш билан таъминланди.***

### ҚИШ ДАСТУРХОНИГА

«Намсибагробизнес» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган қуритилган мева-сабзавотларнинг 60 фоизини экспорт қилиш режалаштирилган. 200 миллион сўм миқдорида сармоя йўналтирилиб, хорижнинг замонавий технологияси ўрнатилган корхонада йилига 250 тоннадан зиёд қуритилган мева ва сабзавот тайёрланади. Корхона асосий хомашёни боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳамда аҳолидан сотиб олмоқда.

## СУРХОНДАРЁ

***Сурхондарё вилояти Музрабод тумани «Наврўз» маҳалласида «Гулшанатекс» хусусий корхонаси иш бошлади.***

### МАҲАЛЛАДА КОРХОНА

Корхонада махсус ишчи кийимлари, яктак, чойшаб ва бошқа бир неча турдаги енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Хорижнинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган корхонада ўн нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

— Маҳсулотларимиз мижозларга жуда манзур бўлмоқда, — дейди «Гулшанатекс» хусусий корхонаси раҳбари Иззатой Муродова. — Уларнинг буюртмачиларга ўз вақтида етказиб берилишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йил якунига қадар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асосида яна ўттиз нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаш режалаштирилган. Маҳсулотларнинг бир қисми хорижга экспорт қилинади.

**ЎзА**

***Тонг ғира-ширасида эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Остонада ийманиб турган биродарларимизни кўриб, гўё бошимиз Бухоро минорасига етгандек севиниб кетдик. Келинимиз Мунаварбону қанду курсларга қўшиб икки дона офтобдай қизариб пишган нонни дастурхонга келтириб қўяркан, бир пасда уйни муаттар ис эгаллади.***

# НОН ИСИ

### ёхуд аждодлардан мерос ғалла қўшиғи ҳақида

— Тандирда пишган нон-нинг тафти барибир бошқача-да, — беихтиёр тилимизга шу гап келади.

— Бу йилги ғалланинг ҳосилидан пиширганмиз, сизларга ҳам илиниб... — дейди Шофирконда биринчилардан бўлиб ғалла режасини ошириб бажариб, ҳам ўзини, ҳам элини баҳраманд этса-да, камтаргина бўлиб ўтирган фермер Назирахоним воҳа аёлларига хос тавозе ва майинлик билан.

— Мен айтдим-а бу нонни иси бошқача деб, — келиним қувонч билан нонни қўлига олиб ўпади, кўз, пешонасига суртади ва тўйиб-тўйиб ҳидлайди. — Қаранг, далаларнинг, тупроқнинг ҳиди келади-я.

Нондан уфуриб турган тупроқ ҳиди, далалар нафаси бизнинг-да қалбимизга ажиб туйғуларни бошлаб киради. Олтиндай шовиллаб турган ғаллазорлар хаёли мозий сўқмоқлари оралаб чопқиллаб кетади...

— Ғалла — илоҳий неъмат. Унинг уволидан қўрқинглар, — дердилар Улуғойбибим ерга тўкилган буғдой бошоқларини тераётиб. Кейин биз, ўйинқароқ неваралари руҳиятига бу улуғликни сингдириш учун ривоят бошлардилар. — Эмишки, жаннатдан қувилган Одам Ато юз минг йил сарсон-саргардонликда ерда кун кечиради. Момо Ҳавони излайди. Уни топгач, юраги таскин топиб, Оллоҳга шукроналар айтади, тавба қилади. Гуноҳларини кечирган Оллоҳу Таоло Одам Атога жаннатдан бир ҳовуч буғдой юбориб, «Сени бало-лардан, очлигу офатлардан асрагувчи неъмат бу, уни кўзга суртиб, азиз тут, ерга экиб ўзингга ва авлодларингга ризқ-рўз ярат» дейди.

***(Давоми 4-саҳифада).***

## Касаба уюшмалари — болаларга

# Таассуротлар бир олам

***Ватанимиз Мустақиллигининг илк кунларидан оқ ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларининг «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси» асосида ташкил этилиши натижасида мазкур соҳадаги ишлар сифати ва самарадорлиги бир неча баробарга ортди.***

Бугун болалар оромгоҳлари нафақат жисмоний соғломлаштириш, балки фарзандларимиз маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи маскан сифатида фаолият юритмоқда.

Айни кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан барча оромгоҳларда мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар, болалар акциялари ташкил этилмоқда. Наманган вилоятининг хушманзара Нанай қишлоғида жойлашган «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси ҳам «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилди. Ўғил-қизларда «Юрагимга жо бўлган Ватан» мавзуида расмлар ва қўшиқлар танлови ҳамда спортнинг бадиий гимнастика, енгил атлетика, сузиш каби 5 турини ўз ичига олган спартакиада мусобақалари уюштирилди.

Акция доирасида ташкил этилган кўргазмалар болажонлар истеъдодининг янги қирраларини очиб берди. Хусусан, табиат қўйнида яратилаётган Ватан манзаралари, болажонлар ижросидаги Она юртни мадҳ этувчи жарангдор куй ва қўшиқлар жаннатмакон диёримизга бўлган севги ва садоқатимизнинг нечоғлик юксак эканлигини яна бир карра намоён этди. Янгиқўрғон туманидаги 32-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Адиба Равшанова томонидан мўйқалам тасвирларида акс эттирилган юрт манзаралари, бунёдкорлик ишлари, озод ва обод ҳаётдан ҳикоя қилувчи этюдлар кўргазмаси, айниқса, катта таассурот уйғотди.

***(Давоми 2-саҳифада).***

## Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

# Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

***Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ. Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, оламшумул ўзгаришлар замирида ана шу эзгу мақсад ётибди. Меҳнаткаш, мард ва танти халқимизнинг азму шижоати туфайли улуғвор ишлар салмоғи йил сайин ортиб, муқаддас диёримиз гуллаб-яшнамоқда, озод ва обод юртга ярашиқли манзаралар кўз ўнгимизда гавдаланмоқда.***

Фахр билан айтишимиз мумкинки, Қорақалпоғистонда ҳам иқтисодий ривожланиш, бунёдкорлик, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва бошқа соҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилаётир. Айниқса, саноат салоҳияти юксалиб бормоқда. Буни кўплаб саноат корхоналари фаолият кўрсатаётгани, қолаверса, нефт-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилаётгани мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятига муносиб ҳисса қўшиш, ишловчилар манфаатларини ҳар томонлама кенг қамраб олиш учун касаба уюшмалари фаолиятга янгича ёндашув йўлига ўтиб олганлиги айни муддао бўлди.

# МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ

Айтиш жоизки, жамоат ташкилоти фаолиятини намунали йўлга қўйишда жамоа келишувлари ва шартномалари муҳим ҳуқуқий асос саналади. Бугунги кунда 75 та туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгаши, 2063 та бошланғич ташкилотда ушбу меъёрий ҳужжатлар орқали касаба уюшма аъзолари учун кўплаб имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда. Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида тузилган меҳнат, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳудудий келишув жамоа шартномалари мазмун-моҳиятини шакллантиришда асос бўлаётир. Бирлашма кенгаши ходимлари томонидан бошланғич ташкилотларга бу борада амалий ёрдам кўрсатиляпти. Ижтимоий шериклик, жамоа шартномаларини тузиш, жамоа шартномаси лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бўйича ташкил этилаётган ўқув-семинар ва суҳбатлар бунинг тасдиғидир. Олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган даврида 41 та жамоа шартномаси экспертизадан ўтказилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли юмушлар меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари ижтимоий ҳимоясида алоҳида ўрин тутмоқда. Жумладан, ўтган ярим йилликда жамоа шартномалари орқали 1659 нафар кам таъминланган оила вакилларига 215200,1 минг сўм (шундан касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 170241,6 минг сўм), болалари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган ижтимоий меҳнат таътилидаги 220 нафар ёш онага 28189,2 минг сўм (касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 19732,1 минг сўм) моддий ёрдамлар берилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 12 та оилага 268459,0 минг сўм фоизсиз ссудалар ажратилди, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 6 нафар талабага шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди. Корхоналарда ишловчи кам таъминланган, боқувчисидан айрилган оилаларнинг 332 нафар фарзандига 9265,3 минг сўмлик (касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 6895,3 минг сўмлик) ўқув қуроллари, дарсликлар тақдим этилди.

Ишловчилар саломатлигини тиклаш ижтимоий ҳимоянинг муҳим мезони ҳисобланади. Кейинги йилларда жамоа шартномаларига бу борада киритилаётган имтиёзлар туфайли ишчи-ходимларни санаторийларга йўлланмалар билан таъминлаш кўлами бирмунча ортди.

***(Давоми 2-3-саҳифаларда).***

Касаба уюшмалари:

# ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-йил 19-июл № 88 (3437)

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Юқори натижаларни қўлга киритган ёш истеъдодларга Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан совғалар топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги мазкур оромгоҳ «Спорт-соғломлаштириш» ва «Бадиий ижодкорлик» йўналишларига ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда мавсумнинг ҳар бир навбатида 400 нафардан ортиқ бола дам олдирилмоқда. Ўтган йили Манзилли дастур асосида замонавий услубларда барпо этилиб, фойдаланишга топширилган масканда болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

## Таассуротлар бир олам

Хусусан, оромгоҳда маънавият ва маърифат хонаси, тиббиёт маркази, киноклуб, ошхона, зилол сув ҳавзаси, соя-салқин дам олиш айвончалари болажонлар хизматида. Ҳордиқ чиқараётган ўғил-қизларнинг хорижий тиллар ва компютер бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилган махсус марказлар зарур техникалар билан жиҳозланган. 10 дан ортиқ тўгаракларда болажонлар миллий чолғу ижрочилиги, якка хонандалик, зарбли чолғулар, рақс, тасвирий санъат, моҳир қўллар, уй тутиш санъати, бадиий гимнастика, енгил атлетика, шахмат, шашка каби ўзлари севган машғулотлар билан банд. 2000 дан ортиқ китоб захирасига эга бўлган кутубхона ёш китобсеварлар билан гавжум. Жонли бурчаклар орқали эса ўғил-қизлар юртимизнинг бой табиати, ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишмоқда.

— Оромгоҳимизда ташкил этилаётган танлов мавзусини эшитишим биланоқ, биринчилардан бўлиб унда қатнашиш истагини билдирдим, — дейди «Камалак»да дам олиш билан бирга мусиқа тўгарагида шуғулланаётган 6-синф ўқувчиси Навбаҳор Акбарова. – Чунки, юртни куйлаш — жону дилим. Бу ерга Учқўрғон туманининг Янгиобод қишлоғидан келганман. Бугунги танловда «Ўзбекистон менинг Ватаним» қўшиғини ижро этдим.

— Спорт билан шуғулланиш — севимли машғулотим. Оромгоҳда ўзим қизиққан йўналишда шуғулланиш имкони борлиги мени жуда қувонтирди, — дейди мароқли ҳордиқ чиқараётган 7-синф ўқувчиси Маҳзуна Аҳмаджонова. — Имкониятдан фойдаланиб бадиий гимнастика тўгарагида шуғулланмоқдаман.

Ҳа, «Камалак» каби ихтисослаштирилган оромгоҳлар болажонлар ҳордиғининг ҳар бир кунини мазмунли ўтказиш имконини янада кенгайтирмоқда. Болалар акциялари, маданий-маърифий тадбирлар ёш авлод онгига мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, келажагимиз эгаларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар, бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳиятини сингиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари**

## «Роҳат»да роҳатбахш онлар

***Айни кунларда болажонларнинг ёзги соғломлаштириш мавсуми кўтаринки кайфиятда давом этмоқда.***

***Қувасой шаҳрининг сўлим масканида жойлашган «Роҳат» оромгоҳида «Қувасойцемент» ОАЖ тасарруфидаги корхона ишчи-ходимларининг фарзандлари хўжалик ҳисобидан бепул дам олдирилади.***

— Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси келишган ҳолда оромгоҳда дам олиш кунларини 10 кун этиб белгилаб, 8 навбатда болажонлар соғломлаштирилади, — дейди «Қувасойцемент» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Мақсуджон Жабборов. — Мақсад ишчи-ходимларнинг фарзандларини тўлиқ қамраб олишдан иборат. Соғлом бола йилида мавсум икки карра масъулият билан олиб борилмоқда. Бир навбатнинг ўзида дам олувчиларга маданий-маърифий ва спорт тадбирларида қатнашиши учун касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан жами 4 млн. сўмлик кийим-бош олиб берилди.

Масканда болажонлар учун барча шароит яратилган. Футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, бассейн, компютер хонаси улар ихтиёрида.

— Ҳар йили ёз фаслини орзиқиб кутаман, — дейди оромгоҳ тарбияланувчиси Нилуфар Абдулҳамидова. — Чунки дам олишни «Роҳат»да ўтказаман. Бу ерда рақс тўгарагида қатнашиб, устозларимиздан рақс сирларини ўрганаяпман. Бошқа вақтда компютер тўгарагида шуғулланишни яхши кўраман. Оромгоҳда компютер саводхонлиги, тасвирий санъат, моҳир қўллар, рақс ва спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Дам олувчиларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, саломатлигини янада мустаҳкамлаш учун турли тадбирлар ўтказилади. «Мен — Ўзбекистон фарзандиман», «Отам, онам ва мен — спортчи оила», «Ким эпчилу, ким чаққон!» сингари тадбирлар болажонларга бир олам завқ бағишламоқда.

Оромгоҳ раҳбари Нозима Қорабоева ёш бўлишига қарамасдан талабчан. Бу ерда ўз касбининг усталари бўлган 15 нафар педагог-ходим фаолият кўрсатади. Дам олувчиларнинг озиқ-овқат таъминоти назоратда бўлиб, қўли ширин ошпазлар тайёрлаган таомлар болажонларга манзур бўлмоқда.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

***Чимбой тумани марказида жойлашган «Қиз Мунайим» МЧЖга қарашли икки қаватли бинода бўш турган хонанинг ўзи йўқ. Сабаби, бу ерда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг барча турлари бўйича тадбиркорлик ишлари йўлга қўйилган.***

## ХИЗМАТИДАН ЭЛ МАМНУН

— Бежирим кўйлаклар ўзига яраша санъат намунаси ҳисобланади, — дейди Гулайим Қалимбетова. — Ушбу соҳада 21 йиллик тажрибам бор. Касбимдан ҳам, ҳаётимдан ҳам кўнглим тўқ.

Касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларга тажрибали мураббийлар бириктирилган бўлиб, уларни соҳанинг етук мутахассиси этиб тарбиялашга эътибор қаратилмоқда. Рўзғор ишлари билан банд бўлганларга эса касаначилик йўли билан ёрдам берилаяпти.

— Фаолиятимизни ривожлантириш мақсадида 2011 йили «Қишлоқ қурилиш банки»дан 25 млн. сўм кредит олдик, — дейди бош ҳисобчи Дамегул Сейтмуратова. — Кредит ҳисобидан янги иш ўринларини ташкил этиб, овулдошларимизнинг бандлигини таъминлашга эришдик.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида жамоада 38 млн. сўмлик маиший хизмат кўрсатиш ишлари бажарилди. Хотин-қизлар соч пардози, маникюр-педикюр хизмати, сартарошхона, кийим тикиш, пойабзал таъмирлаш, пайвандлаш цехлари, шунингдек, қўл телефонлари, радио-телевизор таъмирлаш устахоналари, вулканизация ва бошқа хизматлардан туман аҳли мамнун бўлмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жумладан, ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг шу кунига қадар 390 нафар ходим (жумладан, 39 нафари бепул), касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан эса 986 нафар ходим санаторийларда дам олдирилди. Шу билан бирга, ишлайдиган кам таъминланган, кўп болали оилалардан 3 нафар аёл, шунингдек, тиббиёт ходимларидан 4 нафари, таълим ходимларидан 2 нафари касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул, фарзанд кўрмаган ёш оилалардан 5 нафари «Умид гулшани» сиҳатгоҳида имтиёзли соғломлаштирилди.

Айни пайтда болаларни ёзги соғломлаштириш ишлари авж паллада. Мавсум давомида 26 та стационар ва мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳда 10790 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. Ҳозирда мавсумнинг 1- ва 2-навбатларида 5095 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги оромгоҳларда қорақалпоғистонлик 1280 нафар ўқувчи мириқиб ҳордиқ чиқарди. Болажонларнинг ёзги таътилига мазмун киритиш мақсадида дам олиш масканларида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар савиясини юксалтиришга эътибор қаратилиб, турли йўналишдаги тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Спорт мусобақалари эса болажонларнинг жисмонан чиниқишига хизмат қилаётир.

Сўнгги йилларда касаба уюшмалари тизимида турли ижтимоий акциялар ўтказилиши анъанага айланди. Хусусан, «Касаба уюшмалари — болаларга», «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акциялари, «Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» чора-тадбирлар мажмуи доирасида уюштирилган тадбирлар орқали касаба уюшма ташкилотларимиз томонидан кўплаб кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон ва якка-ёлғиз кексаларга меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

Тизим олдида турган устувор вазифалардан бири, бу касаба уюшма аъзолари сафини янада кенгайтиришдир. Бу борада нодавлат сектор ходимларини тизимга жалб қилишнинг турли усул ва йўлларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Тажрибадан шу нарса англашилмоқдаки, касаба уюшмалари томонидан янги тузилаётган корхоналарга ҳужжатларини расмийлаштириш ва бошқа ташкилий ишларда кўмак берилса, ўз-ўзидан уларда бошланғич ташкилотга асос солиш, ишчи-ходимларни қамраб олиш осонлашади. Шу мақсадда бирлашма кенгаши қошида «Янги корхона, ташкилот, муассасаларни ташкил этиш жараёнида уларга зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда бепул ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Услубий марказ» фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур услубий марказ янги ташкил этилаётган корхона, ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари (Устав, таъсис шартномаси, Низом ва ҳоказолар) лойиҳаларини тайёрлашда бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳужжатларни тегишли ҳокимликларнинг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларидан, жамоат ташкилотларини эса адлия бошқармаларидан рўйхатдан ўтказишда амалий кўмак бериш каби ишлар билан шуғулланади. Шу билан бирга, тизим хизматига жалб этилмаган мавжуд корхона-ташкилотларда касаба уюшма аъзолиги афзаллигини кенг тарғиб этиш ишлари олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон

# МАНФААТЛАР

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашиш ҳам фаолиятимизда устувор аҳамият касб этади. 2014 йилнинг 5 ойи давомида 73 та корхона ва ташкилотдаги 716 та янги иш ўрнининг ҳақиқатда очилганлиги ўрганиб чиқилди. Янги иш ўринларига қабул қилинган ишчи-ходимларга меҳнат шартномаси тузилиши, меҳнат дафтарчалари юритилиши ва хавфсиз

***Ҳозир далаларда иш қизиган палла. Зеро, миришкор деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнатлари ҳар жиҳатдан қадрга муносиб.***

***Тармоқ касаба уюшмаси туман кенгашимиз томонидан уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланиши, зарур меҳнат шароитлари яратилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Кенгаш таркибида 35 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, 11 минг 400 нафар касаба уюшма аъзосининг меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимояси, шунингдек, бандликка кўмаклашиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, ишчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ходимларнинг соғлиғини тиклашга кўмаклашиш каби қатор вазифаларнинг оғишмай бажарилишида жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этмоқда.***

## БИЗНИНГ ҲАМ ҲИССАМИЗ БОР

Ҳар йили режа асосида қатор тадбирларни амалга ошириб келяпмиз. Жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида бандликка кўмаклашилмоқда. Ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини фермер хўжаликларига ва мавсумий ишларга жалб этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш мунтазам диққат марказимизда. Мавжуд 15 та биолаборатория орқали экинларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун 160 нафар дала назоратчиси ишга жалб этилди. Уларнинг иш ҳақи «Пахтасаноат» уюшмаси томонидан ўз вақтида тўланаяпти.

Ишловчилар ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини муҳофаза қилиш фаолият самарадорлигининг бирламчи шартларидандир. Жорий йилда соҳа вакилларининг мамлакатимиздаги сиҳатгоҳлар, санаторий-профилакторийларда саломатлигини тиклашлари учун 63 та йўлланма ажратилди. Шундан иккитаси 100 фоизли имтиёзга асосланган бўлиб, йўлланманинг барча сарф-харажатлари касаба уюшма ташкилоти ҳисобидан амалга оширилди.

Тармоқ ходимлари фарзандларининг ёзги таътил пайтида оромгоҳлар, стационар ва кундузги дам олиш марказларида кўнгилли ҳордиқ чиқаришини ташкил этяпмиз. Мавсум давомида Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Самарқанд шаҳридаги оромгоҳларда 103 нафар болани ва Элликқалъа, Тўрткўл туманларидаги ёзги болалар дам олиш масканларида 73 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган.

Туманимиздаги кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга ёрдам бериб бориш ҳам фаолиятимизнинг муҳим ажралмас қисмидир. Жорий йилда шундай хонадонларга ўн дона маиший техника совға қилишни кўзда тутганмиз.

**Саъдулла СОДИҚОВ,**
**АСМ ходимлари Амударё туман кенгаши раиси**

***Миллий каштачиликка қизиқиш менда болаликдан уйғонган. Бунда онам Сапаргул Хўжамуратованинг ибрати катта. Касби тикувчи бўлган онам уйда ишлаб ўтирган пайтлари атрофида ўралашганим-ўралашган эди. Тиккан кийимларига сеҳрланиб қарардим. Айниқса, улардаги безаклар кўпроқ ҳайратга соларди. Нукус шаҳридаги Савицкий номидаги санъат музейига олиб боришганида ҳам турли-туман миллий кийимлардаги жозибали нақшларга боқиб тўймасдим.***

## РАҒБАТДАН КУЧ ОЛИБ

Бора-бора ўзим ҳам онам ёрдамида либослар яратишга уриниб кўрдим. Ишларим муваффақиятли чиқа бошлагач, шу соҳани астойдил эгаллашга қарор қилдим. Ота-онам ҳам қароримни қўллаб-қувватлашди. Нукус шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактабида миллий каштачилик ҳунари бўйича таълим олдим. Ҳунар сирларини қунт билан эгаллаш жараёнида келажак учун режалар туза бошладим.

Қорақалпоқ халқининг миллий кашталари асосида замонавий аёллар, эркаклар, болалар кийимларига, буюмларга безаклар бердим. Либосларда миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришга эришганим, каштачиликдаги иқтидорим туфайли устозларим назарига тушдим. Танловларда бирин-кетин ютуқларга эришдим. Илк бора 2010 йили «Олтин мерос» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида биринчи ўринни эгалладим. Ўша йили «Давр ва ёшлар» танловининг ҳудудий босқичида ҳам ғолиблик насиб этди. Шу кунгача «Мен танлаган касб», «Конституция — бахтимиз таянчи» танловларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида, Нукусда ўтказилган «Энг яхши миллий наққош» номинациясида ғолибликка, Тошкентда ўтган «Тасвирий санъат ҳафталиги-5», Қорақалпоғистон Республикаси 2013 йил тасвирий санъат ҳафталиги, «Нафосат бўстоним маним» анъанавий Республика кўрик-фестивали, «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» ёшлар фестивали доирасидаги «Ватаним ривожига менинг улушим» шиори остидаги кўргазмада фаол иштироким учун сертификат ва фахрий ёрлиқларга сазовор бўлдим. Умуман олганда, 20 га яқин танлов, фестивал ва кўргазмаларда тақдирландим.

Ҳозирда Нукус шаҳар маданият ва санъат коллежида театр либослари моделери йўналиши бўйича таҳсил олаяпман. Бу йил мен учун омадли келди. «Ташаббус — 2014» танловининг ҳудудий босқичида «Энг яхши ёш ҳунарманд» номинацияси ғолиби бўлдим, Қорақалпоғистон Республикаси «Ёш фермерлар» форуми доирасидаги ёш фермерлар, тадбиркорлар ва ҳунармандлар кўргазмасида 2-ўринга эришдим. Яна бир муваффақият касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтказилган «Энг фаол ёш мутахассис» танловида юз берди. Танловнинг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказилган якуний босқичида «Энг фаол ёш ҳунарманд» номинацияси бўйича 2-ўринга муносиб топишди. Ушбу эътироф менга ўзгача қувонч бағишлади. Касаба уюшмаларининг рағбатидан куч ва илҳом олиб, ҳунармандчилик йўналишидаги фаолиятимни янада кучайтиришга катта иштиёқ билан киришаяпман.

**Дилназ АДИЛЧАЕВА,**
**Нукус шаҳар маданият ва санъат коллежининг 1-босқич ўқувчиси**

***Тўрткўл туманидаги «Шурахон» ОФЙ ҳудудида жойлашган «Лочин» оромгоҳига қадам қўйишингиз билан ажиб манзарага дуч келасиз. Ям-яшил дарахтзор, мусаффо ҳаво, соя-салқинлик, озодалик ва сариштали кўнглингизга хуш кайфият улашади.***

***Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли мазкур оромгоҳда жорий мавсумда беш навбатда 800 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш кўзда тутилган. Айни пайтда оромгоҳ учинчи навбатда Тахиатош, Қўнғирот, Амударё, Нукус, Тўрткўл, Шуманай туманларидан келган 160 нафар болани ўз кучоғига олган.***

# «ЛОЧИН»НИНГ

— Соғлом авлодни тарбиялаш — улкан масъулият, — дейди оромгоҳ раҳбари Рашид Сабуров. — Оромгоҳимиз фаолиятини ташкил этишда айни шу тамойилга таянамиз. Масканимизда болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятларни ишга солишга интилаяпмиз. Дам олувчилар алоҳида ётоқ биноларида гуруҳларга ажратилган. Гуруҳлар номи ҳам ўзига хос: «Машъал», «Жайҳун», «Истиқлол» ва «Ҳумо». Мавсум олдидан оромгоҳимиз «Шурахон қурилиш-монтаж» МЧЖ томонидан ҳомийлик асосида жорий таъмирланди. Шинам ва озода ётоқхоналар қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, музлаткич, телевизор, ДВД билан таъминланган. Ошхонамиз барча гигиеник талабларга жавоб беради. Дам олувчиларга беш маҳал овқат тортилади.

Болажонлар ҳар тонгни бадантарбия билан қарши олишади. Тушгача тўгарак машғулотлари билан банд бўлишса, куннинг иккинчи ярмида эса спорт ўйинларида қатнашадилар. Бунинг учун барча қулайлик мавжуд. Футбол, волейбол, қўл тўпи, теннис майдончаларида машғулот ва мусобақалар мунтазам ташкил этилади. Ажойиб сузиш ҳавзаси эса болажонларнинг севимли масканига айланган. Айниқса, «Маънавият ва маърифат» марказидаги тикувчилик, тўқувчилик, расм чизиш, шахмат-шашка каби тўгараклар фаолиятини айтмайсизми! Уч юздан ошиқ китоб фондига эга кутубхона эса ҳамиша гавжум. Кутубхоначи Садоқат Раманова болажонларда китобга бўлган меҳрни кучайтириш мақсадида таниқли ижодкорлар, бадиий асарлар ҳақида суҳбатлар ўтказади. Ўз навбатида, ёш китобхонлар ўзлари ўқиган китоблар мазмунидан бошқаларни ҳам бохабар қиладилар.

— Болажонларнинг оромгоҳда кечаётган ҳар бир кунига мазмун киритишга ҳаракат қилаяпмиз, — дея сўзида давом этади Р.Сабуров. — Шу мақсадда тарбиячи ва етакчилар томонидан кўплаб маданий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда. Жумладан, «Салом, менинг оромгоҳим, жонажон масканим!», «Меҳрибоним онам», «Аёл борки, олам мунаввар», «Ватанимга муносиб фарзанд бўламан», «Экология ва саломатлик» мавзуларида суҳбатлар, «Биз тинчлик истаймиз», «Осмонимиз мусаффо бўлсин» мавзуларида расмлар танлови, асфалтга расм чизиш, «Балли, йигитлар»,

Ishonch
2014-yil 19-iyul № 88 (3437)



# АЗИЗДИР ИНСОН!

**Республикаси**

меҳнат шароитларини яратиш бўйича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, 36 та корхонада 53 нафар коллеж битирувчисининг ишга жойлашиши ҳаққонийлиги мониторинг қилинди.

Корхона-ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик талабларига амал қилинишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Жорий йилнинг биринчи ярми давомида 175 та жамоада бу борада олиб борилаётган ишлар аҳволи ўрганилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга эришилди.

Меҳнат муҳофазаси соҳасида бошланғич ташкилотлар фаолиятининг таъсирчанлигига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Ўтган даврда қуйи бўғинда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 2021 та вакил сайланиб, 833 нафари ўқитилди. Республика бўйича ушбу йўналишда 9212 та тадбир амалга оширилиб, уларга 938 млн. 900 минг сўм сарфланди.

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан корхона ва муассасаларда ҳудудий ҳамкорлар, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишига қаратилган тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Нукус шаҳри, Шуманай, Мўйноқ ва Амударё туманларида меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Касаба уюшмалари фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя йўналишидаги ишларсиз тасаввур қилиш қийин. Бирлашма кенгашига жорий йилнинг олти ойи мобайнида фуқаролардан келиб тушган 56 та ёзма, 112 та оғзаки ариза-шикоят, «Ишонч телефони» орқали қабул қилинган 46 та мурожаат ўрганиб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, маъмуриятга тақдимнома ва судга даъво аризаси киритиш орқали бир қанча фуқаронинг меҳнат билан боғлиқ бузилган ҳуқуқларини ҳимоялашга муваффақ бўлинди. Яъни 8 киши иш ўрнига қайта тикланган ёки олдинги лавозимига тенг бошқа ишга жойлаштирилган бўлса, 3 киши тўлиқ меҳнат шароитига эга иш билан таъминланди. 5 нафар ходимнинг иш ҳақи ва компенсациялари ундириб берилди.

Меҳнат кишиси, унинг оила аъзолари манфаатларини ҳимоялашни фаолиятининг бош йўналиши этиб белгилаган касаба уюшмаларининг хайрли ташаббус ва саъй-ҳаракатлари давлатимиз томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар билан тўла уйғунлик касб этган. Эзгуликка йўғрилган мазкур ишлар кучли давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек улуғвор мақсадимизни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Соғиндиқ НИЕТУЛЛАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси**

# УСТУВОРЛИГИ

***Хўжайли воҳада касаба уюшмалари тизими бўйича намунали туман мақомига эга. Бу эса ҳудуддаги касаба уюшма ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шундан келиб чиққан ҳолда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши фаолиятини юқори талаблар асосида йўлга қўйишга интиляпти.***

# ЮҚОРИ ТАЛАБЛАР АСОСИДА

Кенгаш томонидан тасарруфдаги 122 та бошланғич ташкилотда 8936 нафар аъзонинг манфаатларини мукаммал даражада ҳимоялаш мақсадида уларга услубий ва амалий ёрдамлар бериб борилмоқда. Етакчи ва фаоллар иштирокида ташкил этилаётган ўқув-семинар ва давра суҳбатлари, қуйи ташкилотларнинг керакли ҳужжат ва қўлланмалар билан таъминланиши, намунали фаолият олиб бораётган бошланғичларнинг илғор иш услубини оммалаштириш кабилар ушбу йўналишдаги ишларимиздандир.

Жорий йилнинг 5 февралида туман касаба уюшма ташкилотлари, бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари раислари, корхона раҳбарлари ва Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходимлари иштирокида «Меҳнат соҳасида долзарб масалалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Шунингдек, тармоққа қарашли таълим муассасалари касаба уюшмаси ташкилотлари ходимлари орасида маданий-маърифий, оммавий-спорт мусобақалари ташкиллаштирилиши, туман кенгашининг «Обод турмуш йили» дастури чора-тадбирларининг бажарилиши якунлари ва «Соғлом бола йили» дастури бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, бошланғич ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларига ижтимоий имтиёзлар, ташкил этилаётган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари савиясини ошириш юзасидан қўплаб қўшимчалар киритилди. Натижада, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий томондан рағбатлантириб бориш билан боғлиқ ишлар яхшиланди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида касаба уюшмаси ҳисобидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 8226,641 минг сўм ажратилди. Шунингдек, ижтимоий суғурта ҳисобидан 18 нафар ходимга сиҳатгоҳларга умумий қийматининг 45 фоизи тўланадиган йўлланмалар олиб бердик.

Кези келганда, ЎзКУФК Раёсатининг 2014 йил 24 февралдаги қарори асосида туманимизда «Касаба-тур» веломарафони юқори кўтаринкиликда ўтказилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Тадбирда 48 корхонадан 78 нафар ҳаваскор спортчи қатнашиб, уларнинг 50 нафарини умумтаълим мактаблари ўқитувчилари билан юқори синф ўқувчилари ташкил этди.

**Шаропаддин НИЯЗИМБЕТОВ,**
**таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хўжайли туман кенгаши раиси**

# УЧ ЭГИЗАК — УЧ ОЛАМ

***2007 йил ноябр ойида Тимур Қутлимуратов ва Саўле Айтнязовларнинг хонадонида учта фарзанд дунёга келганида, нафақат оиладагилар, балки Мўйноқ аҳли учун байрам бўлиб кетганди. Бугун Хонсаёт укалари Ҳасан ва Ҳусан билан бирга боғча опаларининг ўргатганларини илғаб олиш пайида. Чунки улар истиқлолимизнинг 23 йиллик муборак айёми кунлари 1-синфга қадам қўйишади.***



— Қизим Хонсаётнинг ўқишга бўлган қизиқишидан хурсандман, — дейди Саўле Айтнязова. — Билганларини укаларига ҳам ўргатишга интилади.

Уларнинг инглиз, рус тилларида бийрон гапириб, шеърлар айтишидан бобоси Айтмурод отанинг ҳам чарчоғи чиқиб кетади.

Соғлом муҳитда ўсиб-улғаяётган болажонларни Юртбошимиз истаганидек баркамол инсонлар бўлиб улғайишига биз ҳам чин дилдан тилак билдирдик.

**Ўз мухбиримиз**



ЎзА суратлари

# САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

***Нодавлат сектор субъектларида меҳнат қилаётган ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш орқали тўлиқ меҳнат муносабатлари билан қамраб олиш олдимизда турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада бирлашма кенгаши томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.***

Республика статистика бошқармасидан янги тузилган корхоналар тўғрисида маълумотлар олиниб, туман, шаҳарларга бириктирилган гуруҳлар томонидан касаба уюшмасининг янги бошланғич ташкилотлари тузилиб, ходимлар аъзоликка жалб этилмоқда. Натижада, жорий йилнинг 1 июл ҳолатига 184 корхонада янги касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, 2853 нафар ходим касаба уюшма сафига қабул қилинди ва уларга аъзолик билетлари топширилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида Сургил кони негизида бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишида юртдошларимиздан 3 минг 500 дан ортиқ мутахассислар меҳнат қилаётир. Аксарияти ёшлар бўлган жамоада бирлашма аппарати масъул ходимлари тавсияси билан жорий йилнинг июн ойида касаба уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтиб, янги касаба уюшма ташкилоти тузилди. Бугунги кунда 275 ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди. Айни пайтда ишчи-ходимларни тўлиқ аъзоликка жалб этиш ишлари давом этмоқда. Жамоа шартномаси лойиҳаси ишлаб чиқилаётир.

Шунингдек, олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида «AMUDARYOTEX» масъулияти чекланган жамиятида касаба уюшма қўмитасига асос солиниб, 298 нафар ишчи-ходим, «Северо-западный строительный трест» масъулияти чекланган жамиятида янги касаба уюшма ташкилоти тузилиб, 350 нафар ишчи-ходим аъзоликка жалб этилди.

Бугунги кунда ҳудудда нодавлат сектор тизимидаги корхона ва ташкилотлар 14532 та бўлиб, уларда 110043 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда. Шу кунларда 1718 та (шундан 1353 таси якка тадбиркорлар) корхона ва ташкилотда касаба уюшма ташкилотини тузиш бўйича иш берувчилар ва ходимлар ўртасида тарғибот ишлари олиб бориляпти.

Касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари бўйича бирлашма кенгаши томонидан буклетлар ишлаб чиқилиб, туманларда бирлашма кенгаши аппарати ходимлари ва тармоқ масъул ташкилотчилари билан биргаликда ўтказилаётган ўқув-семинарларида, амалий ёрдам кўрсатиш жараёнида корхона ва ташкилотларга тарқатилмоқда.

**Гулнора ИЛМУРАДОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири**

«Балли, қизлар», «Олтин тож» танловлари ўтказилаётир. «Қувноқ стартлар» мусобақаси, «Алпомиш авлодимиз» спорт ўйинлари болажонларда ўзгача шижоат уйғотмоқда. Уларда ватанпарварлик, тарихимизга ҳурмат туйғуларини шакллантириш мақсадида Хива шаҳрига, тумандаги «Шурахон» тарихий музейига саёҳатлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар уюштирилади.

# ПАРВОЗИ

— Жамоамиз аъзоларининг 30 нафар фарзандини оромгоҳга олиб келдим, — дейди «Қорақалпоқтелеком» оператори Айсара Атамуродова. — Болаларимиз ушбу сўлим гўша қўйнида маза қилиб ҳордиқ чиқариб, отаоналари бағрига бир олам таассурот билан қайтишига ишонаман.

— Оромгоҳдаги шароитларга гап йўқ, — дея суҳбатга қўшилади Нукус шаҳридаги 17-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Айзада Сабурова. — Ўтган йили ёзда Тошкент вилоятидаги «Алоқачи» оромгоҳида дам олгандим. Ўйлаб кўрсам, «Лочин» ҳам чакки эмас экан.

Дам олувчилар саломатлиги доимий назоратда. Тиббиёт хонаси ва изолятор тўлиқ жиҳозланган бўлиб, тажрибали шифокор Абдумўмин Пўлатов ва ҳамшира Шоҳиста Қодирова ҳар куни уларнинг соғлигини текшириб, соғлом турмуш тарзига амал қилиш бўйича тавсиялар бериб боришади.

Оромгоҳ ҳудудини айланар эканмиз, ҳамроҳимиз таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тўрткўл тумани кенгаши раиси Маҳмуд Адиков қуюқ соя бериб турган дарахтга эътиборимизни қаратди.

— Минтақамизга хос бу дарахт гужум деб аталади, — тушунтириш берди Маҳмуд ака. — Серсоялигидан ташқари унинг экология, табиат мусаффолигига фойдаси кўп. Шунинг учун ҳам бу ерда гужумларни кўплаб учратишингиз мумкин.

Ҳа, бу сўлим ва хушманзара масканнинг ўзига хос жиҳатлари бисёр. Уларнинг барчаси фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига хизмат қилиши тайин.

**Т.ЭШТЎХТАРОВ**

# ҚИЗИҚАРЛИ ТАДБИРЛАР

***Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш йўлида фаолият юритаётган Қанликўл туман марказий шифохонаси касаба уюшма ташкилотининг 622 аъзоси бор. Жамоамизда ходимларимизнинг касбий маҳоратини ошириш, спортга бўлган қизиқишини рағбатлантириб, унинг оммавийлигини таъминлаб бориш мақсадида турли тадбирлар ташкил этаяпмиз.***

Туманимизда ташкил этилган «Веломарафон — 2014» пойгасида қатнашган ҳамшираларимиз Санем Бекмуратова, Омангул Қилишбаевалар биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган бўлса, «Қанликўл» ОШП ходими Даврон Давлетов Қорақалпоғистон велоспортчилари орасида юқори натижага эришди.

Жорий йилда ўтказилган «Энг фаол шифокор» кўрик-танловида Рашид Ниязимбетов ва Улбосин Мусаевалар ғолиб бўлди. «Ҳамшира — 2014» беллашувида эса Амина Аметова ва Гулназ Жуманиязовалар совринли ўринларни эгаллади.

**Дағилбой АЛИЕВ,**
**Қанликўл туман марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

***Шўманай туман телекоммуникация тармоғи бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан соҳа ходимлари орасида кўплаб тадбирлар ўтказиб келиняпти.***

# ҲАМИША ҲАМДАМ

— Ўн олти нафар ходим меҳнат қиладиган жамоамизда спортга қизиқиш баланд, — дейди касабақўм раиси Анор Мамбетзиёева, — Бу йил шахмат, шашка ва енгил атлетика ўйинларида ходимларимиз ва уларнинг фарзандлари ўзаро куч синашди. Ғолиблар муносиб тақдирланди.

Ёзги таътил пайтида Тошкент шаҳридаги «Алоқачи» оромгоҳида 2 нафар бола кўнгилли ҳордиқ чиқариб қайтган бўлса, яна 2 нафар бола Тахиатош шаҳридаги «Ойдин жўл» оромгоҳига йўлланма билан таъминланади.

Яқинда намунавий лойиҳа асосида барпо этилган замонавий турар жойга кўчиб кирган алоқа ходими Хошмурат Сапаров оиласи ҳовли тўйи ўтказди. Хонадон аъзоларининг хурсандчилигига хурсандчилик қўшиш мақсадида жамоа раҳбарияти ва касаба уюшма фаоллари тўйхонага совға-саломлар билан кириб борди.

**Ўз мухбиримиз**

**Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбирлари Тўлқин ШЕРНАЕВ ва Ортиқбой МАМУТОВ тайёрлади.**

Реклама ва эълонлар

**«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Қизириқ тумандаги «Рабатак» фермер хўжалигини тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2013 йил 25 июлдаги 19-1306/3994-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Рабатак» фермер хўжалиги кредиторлар йиғилишининг 2014 йил 13 июндаги № 3-сонли баённомасига асосан «Рабатак» фермер хўжалигига тегишли, Қизириқ туман, Кунчиқиш маҳалласида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси ҳамда қишлоқ хўжалик техникалари қўйилмоқда:

1. «Камаз 5320» русумли д/р 19 AJ 896 бўлган 1983 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 1 200 000 сўм.**
2. «МТЗ 80 Х» русумли д/р 76-32 СН бўлган 1988 йил и/ч таъмирталаб трактор. **Бошланғич баҳоси 650 000 сўм.**
3. «МТЗ 80 Х» русумли д/р 09-43 СН бўлган 1983 йил и/ч таъмирталаб трактор. **Бошланғич баҳоси 2 901 000 сўм.**
4. «Т-4А-01» русумли д/р ЕШ 05-91 бўлган 2003 йил и/ч таъмирталаб трактор. **Бошланғич баҳоси 1 471 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 22 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Буюртмаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги автомототранспорт воситалари 2014 йил 22 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 5 сентябр соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 22 август учун 2014 йил 20 август, 2014 йил 5 сентябр учун 2014 йил 3 сентябр куни соат 18:00 да.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси ҳамда қишлоқ хўжалик техникалари билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SMM» МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Савдо ўтказиладиган жой ва мурожаат учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона.

Тел: (8376) 221-77-94. 25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

**«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига, Сурхондарё вилоят Денов туманидаги «Мирзақулов Даврон Абдурасулович» ММТПК таъсисчиларининг 2014 йил 2 апрелдаги №2-сонли баённомаси ҳамда «Мирзақулов Даврон Абдурасулович» ММТПКнинг 2014 йил 18 апрелдаги № 12-сонли буюртманомасига асосан «Мирзақулов Даврон Абдурасулович» ММТПКга тегишли, Денов туман, «Чағанён» маҳалласида сақланаётган қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Газ 5204» русумли д/р 75/ 773 НАА бўлган 1988 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 405 000 сўм.**
2. «Газ 53 А» русумли д/р 75/ 765 НАА бўлган 1982 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 414 000 сўм.**
3. «Зил 130» русумли д/р 75/ 768 НАА бўлган 1982 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 399 000 сўм.**
4. «Газ 5204» русумли д/р 75/ 772 НАА бўлган 1975 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 323 000 сўм.**
5. «Газ 53 А» русумли д/р 75/ 766 НАА бўлган 1973 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 360 000 сўм.**
6. «Газ 53 А» русумли д/р 75/ 769 НАА бўлган 1976 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 350 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2014 йил 21 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.** Юқоридаги мулклар 2014 йил 21 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 5 сентябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 21 август учун 2014 йил 19 август ҳамда 2014 йил 5 сентябр куни учун 2014 йил 3 сентябр куни соат 18 00 да.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

**Манзил:** Сурхондарё вилояти,Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона. Тел: (8376) 221-77-94. *25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.*

**Хизматлар лицензияланган.**

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога «VODIYNEFTGAZISHCHITA'MINOTI» ОАЖ бошқарув ҳайъатининг 04.06.20104 йилдаги 2-сонли йиғилиш баёни, 17.07.2014 йилдаги 85-сонли алоқа хатига асосан жамиятнинг «Маъшал» шўъба корхонасига тегишли, Фарғона тумани, Чимён ШФЙ ҳудудида жойлашган умумий майдони-334,27 кв.м., фойдали майдони-289,92 кв.м. «Чойхона» биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 12 159 000 сўм.

Савдо 2014 йил 20 август куни соат-11-00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 18 август, соат 18:00.

Савдога қўйилган бино-иншоотлар билан «VODIYNEFTGAZISHCHITA'MINOTI» ОАЖ «Маъшал» ШК вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдо юзасидан барча маълумотларни 8-373-244-46-39 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, «КМСХ» МЧЖ Фарғона вилоят филиалининг «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 207122519, х/р: 20208000004920609011.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона ш., Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй, rieltsavdo@inbox.uz. ЛицензияRR-0001.**

**«Farg'ona mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31-декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ «Фарғона вилояти Давлат мулкини ижарага бериш маркази» ДУКнинг 16.07.2014 йилдаги 1120-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчаси,17-уйда сақланётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «ГАЗ-31105120» русумли, 2005 йилда и/ч, д/р 40 687 UAA. Бошланғич баҳоси — 13 503 760 сўм.
2. «Нексия» русумли, 2002 йилда и/ч, д/р-40 292 OAA. Бошланғич баҳоси — 18 209 019 сўм.

Савдо 2014 йил 19 август куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 15 август соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, Х/Р: 2020 8000 7049 4306 3001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1177.

Изоҳ: д/р-давлат рақами; и/ч-ишлаб чиқарилган.

**Хизматлар лицензияланган.**

С.Раҳимов Политехника касб-ҳунар коллежи томонидан 2004 йилда Юсупова Мактуба Бахрамиджановна номига берилган **KN 060807** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ishonch
2014-yil 19-iyul № 88 (3437)

# НОН ИСИ

## ёхуд аждодлардан мерос ғалла қўшиғи ҳақида

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Ҳазрат Одам чин ихлос билан буғдойни ерга сепади. Орадан бир неча кунлар ўтгандан кейин ҳазрат Одам буғдой сепилган ерга келиб қараса, ям-яшил гиёҳлар ўсиб чиққан эмиш. Улар шамолда тебранганида шундай оҳанг берганки, у одам қалби масрур туйғуларга тўлиб-тошган. Дунёдаги биринчи қўшиқ ана шу ғалла қўшиғи экан. Қаҳроқ ер юзида ўсган илк гиёҳ эса ғалла эди. Унинг теграсида ҳаёт, тириклик яшади. Ғалла билан бу сирли, сеҳрли дунё янада кўркли бўлди. Шу боис ғалла қўшиғи абадият қўшиғи, тўкинлик қўшиғи бўлиб қолди. Уни Одам авлодлари минг-минг йиллардан бери суйиб-суйиб куйлаб келади. Қўшиқ эса куйлангани сайин сайқаллашиб, кўнгилга яқин бўлиб бораверади. Негаки, бу қўшиқ оҳанглари қанотида тириклик отлиғ буюк ва суюк аъмолларни олиб учади-да!

Не-не давронлар ўтди, шоҳу аъёнлар, дур-жавоҳирларга ўралиб не-не салтанатлар емирилди, бахиллигу очкўзлигидан не-не авлодлар ер билан яксон бўлди. Қанча тождорлар келиб кетди ер талашиб, мулк талашиб. Пайғамбарлар келдилар одамзод кўнглига Аллоҳ нурини солмоқ учун, улар-да кетди дорулбақога. Даҳшатли урушлардан еру замин кунпаякун бўлди. Зилзилалар, вулқонлар силсиласида замин минг бора чайқалди. Аммо буғдой умид ниҳоли мисол ҳар баҳорда ниш уриб кўкарди, ҳосилга кирди.

Дарёлар, денгизлар тошиб, заминдаги барча гиёҳларни ювиб кетди, чақмоқлар даҳшати, вулқонлар наърасидан еру осмон ёнди. Аммо бир гиёҳни чақмоқларнинг ваҳший оловлари ёндира олмади. Тўфонлар бу гиёҳни минг бора чайқатиб силкитсалар-да, унинг илдизини еру заминдан юлиб ташлай олмади. Тошқинлар еру заминни ювиб текисласа-да, бу гиёҳнинг уруғи ер остида жон сақлайверди.

Даҳшатли урушлардан, золим подшоҳлардан, ҳатто ўқзамбараклар даҳшати, атомлар ваҳшатидан бу гиёҳ ғолиб чиқди. У одамзод ризқу-насибаси саналмиш ғалладир. Бу ҳақиқат қаршисида фозилу фузалолар шундай хулосага келди: «Ғалла бор экан, ҳаёт бор, тириклик бор, ўсиб-улғаймоқ, кўпаймоқ бор». Шундай, одамзотнинг қувончига айланди ғалла, кўнглига тириклик, ишонч қўшиғини ёйди ғалла. Шундан одамзод ғаллани кузда экадиган бўлди. Қаҳратон қишнинг кескир совуқларидан даласида ўсаётган ямяшил ғалланинг умиди асради уни. Қор остидада яшнаб турган майсалар хаёли одамзод қалбини баҳоргача илитди, ёритди.

ЎзА суратчи

Аслида сабр-тоқатни, мардлик-ботирликни, сахийликни ғалладан ўрганди одамзод. Шундан ғаллани мангу ҳамроҳи қилиб олди инсон. Бирор куни ғалласиз ўтмай қолди унинг. Ғаллани янчиб, ун қилиб, нон пиширди. Дастурхон кўрки, кўнгилнинг тўқи, неъматлар шоҳи бўлди нон. Турли-турли тотли таомлар, лаззатли пишириқлар, қанду қурс, мева-чева, қази-қарталар қўйилсада дастурхон нонсиз ғарибу нотавон туюлди. Шундан инсон дастурхонни неъматлар шоҳисиз тасаввур қилолмади. Шундан тўйлар қилганда одам авлодлари ёруғ ният билан тандир-тандир нон ёпадиган бўлди.

Бахт тўйларини бошлашдан олдин эзгулик рамзи сифатида нон синдирилди. Дунёда илк бор келган гўдакка «Ризқинг улуғ, ҳаёт йўлингда ҳамроҳинг бўлсин», дея боши тагига нон қўйишди. Келинчаклар янги хонадонга нон билан қут-барака, ризқ олиб киришлари ҳам бу неъматнинг азизлигидан нишона.

Нон одамни балодан асрагувчи тумор бўлди. Кўзнинг нури, белнинг қуввати бўлди. Шундан бўлса керак, ҳунарманд усталар, курашчи полвонлар шогирдларига қўл берганларида, яъни усталик мақомини берганларида, аввало, шогирдлари белига иккита нон боғлаб қўядилар. Устознинг эзгу ният ила боғлаган нонлари унга умрининг охиригача куч-қувват, ҳамият бериб тураркан.

Улуғой бибим бир ҳикоятни иккинчисига улаб сўзлайверади, бобом буғдой совуриб, сомондан ажратади. Биз неваралар атрофга сочилган бошоқларни териб хирмонга ташлаймиз.

...Эмишки, қадим Бухорода Ғиёс полвон деган киши яшаркан. У кучли, иймон-эътиқоди бутун, шу билан бирга шаҳарнинг фахри ҳисобланган. Ғиёс полвоннинг курашда қўли ҳамиша баланд келган. Унинг енгилмаслигига сабаб эса полвон курашга ҳамиша нонни ўпиб тушаркан.

Сафар олдидан нон тишлаб насиба қолдириб кетишлар, ҳал қилувчи дақиқаларда нонни ўпиб қасам ичишлар ҳам эъзоз, ҳурмат, иззат тимсолларидир.

Улуғой бибимнинг ғалла ҳақидаги айтганлари хотирамга тиклангани сайин бу неъматнинг илоҳийлиги, нонинг бебаҳолиги, она-Еримизнинг хокисорлиги-ю буюк мўъжизакорлиги кўз олдимдан ўтаверади. Ҳа, халқимиз нонинг ушоғини-да азиз тутиб, кўзга суртади, мукаррам этаверади.

Бугун юртимизда ғалла қўшиғи баралла янграмоқда. Ғаллазорлар кенгайтирилиб, элга ризқ-рўз насиба улашилмоқда. Шундан юртимизда барака ониб, тинчлик-хотиржамлик ҳукмронлик қилмоқда, шундан деҳқонбобонинг кўнгли баланд, қадди тик. У мустақил юрт тараққиёти йўлида меҳнат қилаётганидан хурсанд. Бу хушкайфият оиласига, болаларининг истиқболига эзгуликлар олиб кирмоқда. Шундан бугун деҳқонбобонинг даласи ғалла қўшиғига тўлган. Бу қўшиқни Сурхоннинг сарҳадсиз адирларида, Қарши кенгликларида, Бухоронинг Жилвон чўлларида, Зарафшону Сирдарё бўйларида, Самарқанд сайқалининг жаннатмакон дала-даштларида тингладим. Саратон қуёшида олтиндек товланаётган ғаллазорлар фарзандига иссиқ нон улашаётган онадек азиз ва кўнгилга жуда яқин. Айниқса, олтин бошоқлар мустақил юрт шамолларида силкиниб, қўшиқ бошлаганида юрагим фахрга, ғурурга тўлди. Лабларим пичирлаб иймон келтирдим: «Илло, омборлари ғаллага тўла юртнинг келажаги порлоқ бўлғусидир».

Ҳа, азизлар, ғалла қўшиғи абадий-мангу ғолиб қўшиқдир. Уни бобокалонларимиз қанчалар ғурур, қувончга тўлиб куйлаган бўлсалар, биз ҳам шунчалар ишонч билан куйлаётирмиз. Шак-шубҳа йўққи, бу қўшиқни келгуси авлодлар ҳам ардоқлаб куйлашади.

**Амина ҚОДИРОВА**

---

■ **Семинар**




# Аллергиясиз ҳаёт сари

### «Оқ-тош санаторийси»

ЎзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси тизимидаги «Оқ-тош санаторийси» Тошкент шаҳридан 65 км. масофада денгиз сатҳидан 1140 м. баландликда жойлашган, тоғ-иқлимий курорт бўлиб, ҳудуди кенг баргли ўрмонзорлар билан ўралган. Ундан Оқтош ва Аюбсой тоғ дарёлари оқиб ўтади. Иқлими мўътадил-континентал, қиши юмшоқ, ёзи иссиқ.

Неча йилларки, ушбу санаторий халқимиз саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу масканда ҳар йили ўртача 6-6,5 минг нафар меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилади.

Даволаш омили — мусаффо тоғ ҳавоси — тоғ дарёларидан келадиган табиий гидроионланиш келиб чиқиши жиҳатидан носпецифик нафас органлари касалликлари (туберкулёзга алоқадор бўлмаган) билан хасталанган беморларни даволашда шифобахш таъсир қилади.

Ташхис бўлимида ЭКГ, спирометрия, УТТ, клиник ва биохимик лаборатория ҳамда зарур тор мутахассислар кўрикларидан фойдаланиш мумкин.

Даволаш комплекси физиотерапия, лазеротерапия, ингаляция, тузли ғор, суньий ванналар (игнабаргли, тузли), парафин ва озокерит билан даволаш, уқалаш, даволаш бадантарбияси, теренкур, душ Шарко, сув ости массажи, марваридли ванналар ва парҳезли овқатланишдан иборатдир.

### «Йўқ» ва яна «йўқ» дегин

ЎзКУФК ва ССВ ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида олиб борилаётган ҳамкорлик натижасида ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санаторкурортлар бошқармасининг тизимни такомиллаштириш, «Соғлом бола йили» ва тиббий туризмни ривожлантириш бўйича 2014 йилга мўлжалланган Дастурининг 3-бўлими 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида яна бир анжуман ўтказилди.

ЎзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси ҳамда ССВнинг «Республика ихтисослашган илмий тажриба ва тиббий реабилитация» тиббий маркази, Терапевтлар Ассоциацияси билан ҳамкорликда 2014 йил 8 июл — Халқаро аллергияга қарши кураш куни деб эълон қилинганлиги муносабати билан, Ўзбекистонда илк бор «Аллергияга «йўқ» дегин» мавзусида илмий-тажрибавий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда, ташкилотчилардан — Тиббий марказ ходимлари, «Yuria-pharm» МЧЖ вакиллари, «Гедион Рихтер» ОАЖ, «Takeda» фармакологик корхона вакиллари, Санатор-курортлар бошқармаси бош мутахассислари, «Оқ-тош санаторияси» МЧЖда фаолият юритаётган шифокорлар, санаторийда дам олаётган дам олувчилар ҳамда санаторий ташқарисида яшовчи бронхиал астма ва аллергия касалликлари билан хасталанган беморлар қатнашдилар.

Семинар дастурининг биринчи қисмида тиббий марказ илмий ходими С. Базарованинг «Бронхиал астма билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашда техник асбоб-ускуналар билан таъминлаш» борасидаги маърузаси тингланди. Тиббий марказ илмий ходими Г.Джамбекованинг «Аллергия. Муаммога замонавий назарда қараш» деб номланган маърузаси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, санаторийнинг даволаш бўлимида бронхиал астма кассаллиги билан хасталанган санаторияда дам олаётган беморлар ҳамда ташқаридан келган беморларни скрининг анкета йўли билан расмийлаштириш, малакали 4 нафар шифокорлар томонидан кўрик ва маслаҳат, пикфлоуметрия ва спирография текширувлари ўтказиш амалий тадбирлари амалга оширилди. Ушбу тадбирда 80 дан зиёд дам олувчи ва беморлар иштирок этди.

Ташкилотчилар бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Семинарнинг учинчи қисмини Г.Джамбекованинг «Бронхиал астма ва аллергия алифбеси» мавзуидаги маърузаси давом эттирди. Дам олувчилар билан оғзаки савол-жавоб тарзида ўтказилган мулоқот барчага манзур бўлди. Тингловчилар ўзларини қийнаб келаётган муаммо, яъни касалликларини келиб чиқиши, уларни олдини олиш, тўғри ташхислаш, яшаш тарзи, овқатланишни тўғри ташкиллатириш ҳамда тўғри даволаш бўйича керакли маслаҳат олдилар.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

---

■ **«Соғлом оила» шиори остида**

***Ходимлар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида касаба уюшма ташкилотлари томонидан бир қатор спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.***

# ОТА-ОНА ЎРНАК БЎЛСА....

41-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайҳонтоҳур тумани кенгаши томонидан тизимдаги муассасалар ходимлари ўртасида «Соғлом оила» шиори остидаги оилавий мусобақаларнинг туман босқичи ўтказилди.

Мусобақада ҳудудий босқичларда ғалаба қозонган 6 оилавий жамоа таркибида 20 га яқин иштирокчи ғолиблик учун баҳслашди.

Якунда 102-умумтаълим мактаби шарафини ҳимоя қилган Ҳусановлар оилавий жамоаси шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой олди. 34-умумтаълим мактаби жамоаси — Ғофуровлар оиласига иккинчи бўлиш насиб этди. 588-МТМ вакиллари — Қобиловлар оиласи эса совриндорлар сафини тўлдирди.

Бундан ташқари, Нуриддиновлар оиласи (115-умумтаълим мактаби) «Энг фаол оила», Жалиловлар оиласи (20-умумтаълим мактаби) «Энг чаққон оила», Собировлар оиласи (461-МТМ) «Энг аҳил оила» номинацияларида ғолиб деб топилди.

— Бутун оиланг билан баҳсларда иштирок этиш жудаям мароқли. Айниқса, болажонларнинг қувончини кўриб биз ҳам яйрадик. Уларга ўрнак бўлишимиз зарур, — деди мусобақа иштирокчиси, 461-МТМ бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Шоҳида Собирова.

— Касаба уюшма ташкилотлари ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларга муносиб улуш қўшмоқда. Соғлом бола йилида ташкил этилаётган ушбу мусобақа фикримизни тасдиқлайди. Зеро, фарзандларимиз ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлса, келажагимиз порлоқдир, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайҳонтоҳур туман кенгаши раиси Дилнура Ўлмасова.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

*Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказида Соғлом бола йилига бағишланган «Баркамол авлод куни» танлови ўтказилди.*

— Бугунги танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад болаларнинг ижодий қобилиятини юзага чиқаришдир, — дейди Мирзо Улуғбек

## «БАРКАМОЛ АВЛОД» КУНИ

тумани «Баркамол авлод» болалар маркази директори вазифасини бажарувчи Ш.Абдужабборова. — Танлов топшириқларини болалар учун қизиқарли тарзда тайёрлаш, уларни ўзгача ижодий ёндашувга ундашга ҳаракат қилдик.

Тадбир доирасида асфалтда расм чизиш бўйича «Ёз — ўтмоқда соз», «Ўзбекистон болалар нигоҳида» тасвирий ишлар танловлари, қизиқарли концерт дастури бўлиб ўтди. Концерт дастуридан танлов иштирокчиларининг чиқишлари ҳам ўрин олди.

Танлов якунида барча иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**ЎзА**

---

# ОММАВИЙЛИК — БИРЛАМЧИ ШАРТ

***Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.***

37-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Олмазор туман кенгаши тизимидаги муассасалар ходимлари ўртасида «Соғлом оила» шиори остидаги оилавий мусобақаларнинг туман босқичи ўтказилди.

Қизғин баҳслар оилалар ўртасида спортнинг оммавийлашиб бораётганини кўрсатди.

Ҳаяжонли лаҳзаларга бой мусобақаларда пойтахтимиздаги 196-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Искандар Қувватовнинг «Парвоз» оилавий жамоаси ғолиб чиқди. 29-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг хўжалик ишлари мудири Равшан Акбаровнинг «Ниҳол» оилавий жамоаси иккинчи ва 233-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Наргис Рахматуллаеванинг «Соғлом авлод» оилавий жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

**Гулнора АЛИМУХАМЕДОВА,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Олмазор туман кенгаши раиси**

---

Китоб жавонингизга

***Карманалик Шуҳрат Халиловнинг раҳматли устози А. Ҳотамов билан ҳаммуаллифликда ёзган «Йиллар садоси» китобини 1995 йил Навоийда кўпчилик хурсанд бўлиб кутиб олган эди. Орадан йиллар ўтиб Ш.Халилов «Ибратомуз ҳикматлар» тўпламини нашр эттирди.***

## МАҲАЛЛА ТАРИХИ — ВАТАН ТАРИХИ

Яқинда эса Шуҳрат ака ўзи туғилиб ўсган «Бешкент» маҳалласи тарихига бағишланган «Бешкент ва бешкентликлар» китобини ўқувчиларга тақдим этди.

Мазкур китобда Бешкентнинг узоқ ва яқин тарихи, географик ўрни, кўчалари, сув йўллари, айниқса, ажойиб инсонлари, Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетган ота-боболаримиз ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Шуҳрат Халилов вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида меҳнат қилади. Тарихга қизиқиши туфайли у шундай хайрли ишга қўл уриб, ёшларимизнинг маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган асар яратди. Унда ҳикоя қилинган воқеалар, одамлар ҳаёти барча учун ибрат кўзгусидир.

**Насиба СОДИҚОВА,**
**Кармана тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси**

---

# СЎЛИМ ВА БАҲАВО МАСКАН

**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тасарруфидаги «Чимён» дам олиш ва даволаниш маскани айни пайтда дам олувчилар билан гавжум.**

Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида денгиз сатҳидан 700 метр баландликда жойлашган ушбу санаторийда юрак ва қон томир, ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, тери, ошқозон-ичак ҳамда урологик касалликларни маъданли сув ёрдамида даволаш йўлга қўйилган.

*Суратларда: «Чимён» дам олиш ва даволаниш масканида.*

**ЎзА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган суратлар**

---

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -23. 50
Topshirildi - 00. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 718 | 13934 nusxada bosildi | 1 345